

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР” КАФЕДРАСИ

Ахмедов Бехруз Акмалович

**Давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг зарурлиги,
вазифалари ва ҳозирги давр муаммолари**

**5341600 – “Бозорлардаги фаолият ва операциялар” таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Тошкент - 2012

МУНДАРИЖА

		Кириш	___ б.
I боб.		Давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг зарурлиги ва уларни вазифаларининг назарий-ҳуқуқий асослари	___ б.
	1.1	Молиявий ресурсларни иқтисодий аҳамияти ва уларни вазифалари	___ б.
	1.2	Давлат молиявий ресурсларини бошқаришни зарурлиги ва уларни шакллантириш манбалари	___ б.
	1.3	Давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари	___ б.
II боб.		Ўзбекистон иқтисодиётида давлат молиявий ресурсларини бошқаришни иқтисодий ҳолати таҳлили	___ б.
	2.1	Давлат бюджети ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлили	___ б.
	2.2	Давлатни мақсадли жамғармаларини молиявий ҳолати таҳлили	___ б.
	2.3	Давлат молиявий ресурсларида давлат кредитларини роли таҳлили	___ б.
III боб.		Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида давлат молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари	___ б.
		Хулоса	___ б.
		Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	___ б.

Кириш

Ишнинг долзарблиги. Мамлакатимиз молия муносабатларида, жумладан, мамлакатнинг молиявий ресурсларини бошқариш тизими, бюджет жараёни ва республикада ишлаб чиқаришни модернизациялашни янада жадаллаштиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислохотлар ўтказилиши бюджет тизими, жумладан, молиявий ресурслар ҳажмини янада оширмоқда. Чунки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши маҳаллий молиянинг молиявий барқарорлигига боғлиқдир. Иқтисодиётнинг ривожланиши молия тизимининг қандай даражада барпо этилишига, шу жумладан ҳар қандай молиявий тизимнинг марказида турувчи молиявий ресурсларга бевосита боғлиқ бўлади. Ҳукумат асосий звеноси молиявий ресурслари бўлган молиявий тизим орқали иқтисодий ва ижтимоий жихатдан тартибга солиш тадбирларини амалга оширади. Айти шу молиявий ресурслар орқали ҳукумат марказлашган фондларни ташкил этади ва марказлашмаган пул фондларининг ташкил қилинишига таъсир кўрсатади. Ривожланишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон учун иқтисодий юксалиш учун йўл очиб берувчи, ишлаб чиқаришга реал инвестицияларни таъминловчи, аҳолини яшаш турмуш тарзининг яхшиланишини таъминловчи ва фан, маданият соҳаларини такомиллаштириш учун ҳақиқий молиявий барқарорлик зарур. Ушбу молиявий барқарорликка ўзининг катта таъсирини молиявий ресурслар кўрсатади. молиявий ресурслар иқтисодиётга бевосита таъсир қилиш имкониятини берувчи восита бўлиб ҳисобланади, унинг таркибий қатламларини молиялаштириш имконини, устивор соҳаларни қўллаш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳақиқий қўллаб-қувватлаш имкониятларини берувчи восита бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда молиявий ресурсларнинг бошқаришни кучайтириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Юртбошимиз қуйидагиларни таъкидлайди: “...Айти пайтда биз мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш бўйича ҳам доимий иш олиб боришимиз даркор. Бу борада Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши керак.”¹

Жаҳон молиявий инқирози шароитида молиявий ресурсларни самарали бошқаришнинг асосий йўналишларини ёритиш каби масалалар ҳамон ўзининг мукамал ечимини кутмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов қуйидагича таъкидлайди: “Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиздир”²

Бу фикрларимизнинг ўзи давлат молиявий ресурсларнинг нақадар катта кучга, кудратга эга эканлигини яққол намоён қилади ва мамлакат ҳаёти учун қай даражада аҳамиятли эканлигини очиб беради. Иқтисодиёт модернизациялашувига тобора чуқурроқ кириб борар эканмиз молия соҳасида бир қатор муаммоларни ечимига барҳам беришда давлат молиявий ресурсларни аҳамияти катта.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Давлат молиявий ресурсларининг назарий асосларини С.Фишер, К.Макконнелл, Стенли Л.Брю, А.Лаффер, А.Шеремет, В.Пансков, Б.Сабанти, Д.Черник, Б.Болдирев, Г.Поляк, В.Романовский, Безденежных А.В., Малишева В.И. каби хорижий ва И.Каримов, М.Шарифходжаев, Ш.Абдуллаева, Т.Маликов, О.Олимжонов, Ҳ.Собиров, Қ.Яҳёев, Э.Гадоев, Н.Ҳайдаров, Н.Жумаев, Ғ.Яхшибоев каби Ўзбекистонлик олимлари томонидан етарли даражада ўрганилган.

Мавзунинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг зарурлиги, вазифалари ва ҳозирги давр муаммоларини ўрганиш ва уларни ташкил этиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- молиявий ресурсларни иқтисодий аҳамияти ва уларни вазифаларини аниқлаш;
- давлат молиявий ресурсларини бошқаришни зарурлиги ва уларни шакллантириш манбаларини ўрганиш;
- давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари билан танишиш;
- давлат бюджети ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлилинини амалга ошириш;
- давлатни мақсадли жамғармаларини молиявий ҳолати таҳлилинини олиб бориш;
- давлат молиявий ресурсларида давлат кредитларини роли таҳлилинини кузатиш;
- иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида давлат молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ишнинг объекти ҳисобланади.

Изланишнинг предмети. Мамлакатимизда давлат молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича дуч келаётган мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари ишнинг предмети ҳисобланади.

Ишнинг ҳажми. Битирув малакавий ишда кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборатдир. Ишда ■ та чизма, ■ та жадвал мужассамлашган.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 15.

I боб. Давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг зарурлиги ва уларни вазифаларининг назарий-ҳуқуқий асослари

1.1 Молиявий ресурсларни иқтисодий аҳамияти ва уларни вазифалари

Такрор ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш – бу барча ишлаб чиқариш харажатларини хўжалик субъектлари ва давлат қўлидаги молиявий ресурслар ҳисобига қоплашдир.


Молиявий ресурслар – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндиси³.

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларнинг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувига шарт-шароит яратади.

Молиявий ресурсларнинг шаклланишида ЯИМ ва миллий даромаднинг барча элементлари қатнашади. Бу боғлиқни қуйидаги схемада кузатишимиз мумкин:

1-расм.

ЯИМнинг тақсимланиши ва молиявий ресурслар элементларининг пайдо бўлиши⁴



³ Поляка Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008. – 21 стр.

⁴ Битирув малакавий ишини ёзиш давомида талаба томонидан акс этирилган.

Молиявий ресурсларнинг манбалари қуйидагилардир:

1. Миллий даромад. Миллий даромаднинг *соф даромад* қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар. Бу манбага айниқса, мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг 1-босқичидаёқ (1992-94 йиллар) Ўзбекистон БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа иттифоқи Комиссияси каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан фаол иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Дастлаб ХВФдан 74 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 160 млн. АҚШ доллари, 1993-94 йил ичида 21 мамлакатдан жами 75 млн. доллар миқдорида турли мақсадларга мўлжалланган ёрдам олинди. Ташқи савдо обороти йилдан йилга ошиб бормоқда.

3. Миллий бойликнинг бир қисми – бюджет маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари.

- суғурта ташкилотларининг ресурс фондлари;
- мамлакат олтин захираларининг бир қисмини сотишдан тушган тушум;
- ортиқча мулкларни сотишдан тушум ва бошқа.

4. Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- *банк кредитлари;*
- *кредиторлик қарзлари;*
- *акция ва аблигациялар чиқаришдан тушум.*

Молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги молиявий ресурсларнинг ҳам турли-туманлигини келтириб чиқаради.

Молиявий ресурсларнинг асосий элементлари қуйидагилардир:

- *фойда;*
- *турли солиқлар*
(КҚС, акцизлар, фойда солиғи, мулкий солиқлар, даромади);
- *суғурта ташкилотларининг маблағлари;*
- *амортизация ажратмалари;*
- *ташқи иқтисодий алоқалардан тушум;*
- *аҳолидан тушумлар.*

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Молиявий ресурсларнинг ўсиши мамлакат миллий даромадинингҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, миллий даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

1. *Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини ошиши.*
2. *Меҳнат унумдори.*
3. *Фонд сизимининг камайиши.*
4. *Фонд қайтимининг ошиши.*
5. *Фонд билан қуролланишнинг яхшиланиши.*

Шунингдек, молиявий ресурсларнинг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар мамлакат молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади

Хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслар *марказлашган молиявий ресурслар* бўлиб, улар:

- капитал қўйилмаларга;
- айланма маблағларнинг ошишига;
- фан-техника ютуқларини жорий қилишни молиялаштиришга;
- табиат муҳофазасига;
- ижтимоий мақсадларга сарфланиши мумкин.

Макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини *марказлашган молиявий ресурслар* орқали қондирилиб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради.

Такрор ишлаб чиқариш харажатларини таъминлаш 3 шаклда амалга оширилади:

1. Ўз-ўзини молиялаштириш. Бунда корхоналар ўз харажатларини ўз молиявий ресурслари эвазига қоплайдилар. Уларнинг етишмаслиги шароитида улар харажатларни камайтириш ёки четдан жалб қилишга (молиявий бозордан) ҳаракат қиладилар.

2. Кредитлаш. Бунда субъектлар харажатлари муддатлилик, тўловчанлик ва қайтарилиш асосида олинган банк кредитлари эвазига қопланади.

3. Давлатдан молиялаштириш. Бунда барча харажатлар бюджет ва бюджетдан ташқари фонд эвазига қопланади⁵.

Амалда юқоридаги учала усулдан бароварига бир вақтнинг ўзида фойдаланиш мумкин.

Узлуксиз молиялаштиришни таъминлашда молиявий ресурслар катта аҳамиятга эга. Ресурсларнинг – турли кўзда тутилмаган ва фавқулодда ҳолатдан келиб чиқадиган ва ҳар қандай тангликдан чиқарадиган эҳтиёт қисм – кафолатдир. Ресурслар *моддий ва молиявий* ресурсларга бўлинади:

Молиявий ресурслар – давлат ва хўжалик субъектлари пул ресурсларининг бир қисми бўлиб, ўз эгасининг айланма маблағлари оборотида *вақтинча* қатнашмайди, лекин ўз эгасининг хўжалик оборотида қайтиш имкониятига эга ва шунинг учун умумий пул оборотида сақланиб туради.

Молиявий ресурс фондларини шаклланиш усулларига кўра:

- бюджет йўли билан;
- тармоқ ичида норматив ажратма асосида;
- корхона ичида ўз ўрни суғурталаш асосида;
- махсус суғурта ташкилотлари орқали суғурталаш йўли билан тузилади.

Молиявий ресурслар:

1. суғуртали (суғурта ташкилотлари орқали).

2. суғуртасиз (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларда, шунингдек, тармоқ миқёсида ресурс фондларини тузиш орқали) бўлади.

⁵ Поляка Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008. – 26 стр.

Битирув малакавий ишимизни мазкур параграфида молиявий ресурсларни умумий тавсифини ўрганиб чиқдик ва етарли хулоса чиқаришга асос яратдик. Кейинги бўлимда бевосита давлат молиявий ресурсларини бошқариш масалаларини кўриб ўтмоқчимиз.

1.2 Давлат молиявий ресурсларини бошқаришни зарурлиги ва уларни шакллантириш манбалари

Давлат молиявий ресурсларини бошқариш - жамият олдидаги улкан масъулият, шу сабабли бюджет-молия назорати бошқарувнинг зарурий элементи бўлиши шарт. Юқорида қайд қилинганидек назорат мақсади - қабул қилинган стандартлардан чекинишларни, қонунийлик тамойилларини бузишларни имкони бор қадар дастлабки босқичларда аниқлаш, моддий ва молиявий ресурсларни сарфлаш самарадорлигини ошириш ва тежаш бўйича тавсиялар беришдан иборатдир. Бу, ўз навбатида, тузатиш чоралари кўриш, айрим ҳолларда айбдорларни жазога тортиш, етказилган зарар учун товон пули олиш ёки шундай қоида бузишларнинг олдини олиш (ёки камайтириш) учун тадбирлар белгилаш имконини беради⁶.

Мамлакат иқтисодиёти – мураккаб халқ хўжалик комплекси бўлиб, унинг барча соҳа ва тармоқлари ҳам бир текис ривожланмайди, чунки жамият эҳтиёжлари тез-тез ўзгарувчан бўлиб ишлаб чиқариш эса бу ўзгаларга мослашишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида иқтисодиётда айрим тармоқлар ривожланишининг илгарилаб кетиши, айрим соҳа ва тармоқлар эса орқада қолиши мумкин. Ана шу номутаносибликларнинг бартараф этиш, бутун халқ хўжалиги комплексининг балансли ривожланишини таъминлаш иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш орқали амалга оширилади. Бозор шароитида иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солиш, аввало ўз-ўзини тартибга солиш ва бошқариш орқали амалга оширилади. Ўз-ўзини бошқариш:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлигига;
- шерикларни ва улар билан бўладиган муносабатлар танлаш эркинлигига;
- ўз фаолияти усулидан мустақил фойдаланиш эркинлигига асосланади.

Ўз-ўзини бошқариш бозорнинг, шу жумладан молиявий бозорнинг амал қилиш билан таъминланади, лекин айрим ҳолларда ўз-ўзини бошқариш иқтисодиётни барқарорлаштиришга кучсизлик қилади ва иқтисодиётга давлатнинг аралашувини тақозо қилади. Молия тизимининг алоҳида соҳалар ва бўғинларга бўлиниши ЯИМни шакллантириш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, даромадларни шакллантириш ва улардан фойдаланишда иқтисодий муносабатлар субъектларининг бир-бирларидан фарқли равишда иштирок этиши билан белгиланади. Молия тизимининг ҳар бир соҳаси ва бўғинига пул фондлари ва даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос бўлган шакллари ва методлари тегишлидир. Масалан, корхоналар молияси моддий ишлаб чиқаришга, ЯИМни яратишга, уни корхоналар ўртасида тақсимлашга ва ЯИМ бир қисмининг бюджет ва нобюджет фондларига қайта тақсимлашга хизмат қилади.⁷

⁶ Поляка Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008. – 46 стр.

⁷ Вахобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. – Т.: Иқтисод-молия. 2008. 110-111 бетлар.

Давлатнинг аралашуви қуйидагиларни ҳал қилиш учун зарур.

- йирик таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
- иқтисодий ривожланишнинг самарали янги йўналишларини қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш билан.

Давлатнинг молиявий усуллар ёрдамида иқтисодиётга аралашуви қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади:

- давлат инвестициялари орқали;
- солиқлар орқали;
- бюджет сиёсати орқали;
- амортизация сиёсати орқали.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви, айниқса, бозор шароитида маълум чегарага эга бўлиб, фақат қонун йўли билан амалга оширилиши керак.

Иқтисодиётни молиявий тартибга солишда молия тизимининг бўғин ва соҳалари:

- корхоналар молияси;
- суғурта ташкилотлари;
- давлат бюджети;
- бюджетдан ташқари фондлар иштирок этади.

Хўжалик ичидаги ва хўжаликлараро нисбатларни тартибга солишда асосан корхоналар молияси иштирок этади.

Давлатнинг бюджети эса тармоқлараро, ҳудудлараро, нисбатларни тартибга солишни таъминлайди.

Молиявий тартибга солиш усуллари қуйидаги мақсадларга йўналтирилиши лозим:

1. Янги тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

2. Солиққа тортишнинг эгилувчан механизми орқали аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

3. Суғурта турларини ривожлантириш орқали молиявий тангликка тушиш эҳтимолларини камайтириш.

4. Турли молиявий фондлар (инвестиция фонди, Пенсия фонди)ни ташкил этиш орқали турли ижтимоий эҳтиёжларни қондириш.

5. Солиқ имтиёзлари, санкциялари механизми орқали моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва истеъмолини тартибга солиш.

6. Давлат харажатларини, давлат инвестициялари орқали илғор технологиялар, фан ютуқларини жорий қилишни таъминлаш.

7. Амортизация сиёсати орқали корхона молиявий ресурсларини жамғаршга, улар асосий натижаларининг янгилаш даражасига таъсир кўрсатиш.

Фойдаланиш доирасида ижтимоий ривожланиш жараёнларига молиявий таъсирнинг уч асосий йўналишини кўрсатиш мумкин, яъни:

- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талаб эҳтиёжларини молиявий таъминлаш;

- иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни молиявий тартибга солиш;
- фаолиятнинг энг яхши натижаларини молиявий рағбатлантириш.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда молиявий маблағлардан фойдаланиш муайян натижаларга олиб келади, бу натижаларда шу категориянинг роли аниқ кўринади. Молиявий маблағларнинг роли муомалада бўлиш шарт-шароитлари, жамоат ишлаб чиқаришига таъсири йўналишлари, бошқа тақсимот категориялари билан боғлиқлиги ўзгариши каби омилларга мос равишда турлича бўлиши мумкин. Бироқ, турли тарихий даврларда молиявий маблағлардан фойдаланиш эвазига олинadиган натижаларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар ягона омил – молиявий маблағлар воситаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир кўрсатиш имконияти ўзгармас ва дахлсиз бўлиб қолаверади.

Ишлаб чиқаришни молиявий таъминлаш – бу хўжалик субъектлари ва давлат жамғарган маблағлар ҳисобига кетган ишлаб чиқариш харажатларини қоплашдир. Молиявий маблағлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида шакллантирилади, кейин улар мақсадли сармоя фондлари орқали тақсимланади ва муайян мақсадларда фойдаланилади.

Молиявий маблағларнинг муттасил шакллантирилиши, улардан оқилона фойдаланиш улкан аҳамиятга эга, чунки молиявий маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг муҳим сармоя негизи, халқ турмуши моддий ва маънавий даражасини ошириш манбаи ҳисобланади. Молиявий маблағлар ҳажмининг камайиши иқтисодиётни ривожлантиришга молиявий таъсир кўрсатиш имкониятларини, долзарб иқтисодий ва ижтимоий вазифаларнинг ҳал қилинишини қийинлаштиради. Бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларга сармоялар қисқартирилиши, тасарруфидаги миллий даромад таркибида истеъмол фонди камайишига олиб келади. Молиявий маблағларнинг етишмовчилиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг натурал-товар ва қиймат структурасининг номутаносиблигига, турли номувофиқликларга олиб келади.

Молиявий маблағларнинг ҳажми ва таркибини ишлаб чиқариш ривожланиши даражаси, унинг самарадорлиги қанча юқори бўлса, сарфланаётган ва фойдаланилаётган молиявий маблағларнинг ҳажми шунчалик кўп бўлади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришга сарфланаётган молиявий маблағларнинг кўплиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва такомиллашуви учун шароитлар яратади. Молиявий маблағлар қандай йўналишда ва қанча сарфланаётганига боғлиқ равишда ишлаб чиқаришни қўшимча қувватлар билан таъминлаш имкониятлари юзага келтирилади. Бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасининг ортишига, халқ хўжалиги иқтисодиётининг тегишли соҳаларда меҳнат самарадорлиги ортиши учун шарт-шароитлар яратилишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиши ва такомиллашуви молиявий маблағлар ортишининг асосидир. Бироқ, 80-йилларнинг охирида молиявий маблағлар ортиши камайди, кейинчалик эса уларнинг ўсиши суръатлари пасайиб кетди. Бунинг сабаби собиқ иттифоқ иқтисодиётидаги таназзул бўлиб, у ялпи миллий даромад ва ҳосил қилинган миллий даромад ортишига, саноат маҳсулотлари ҳажмига ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа муҳим кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатди.

Молиявий маблағларнинг шаклланишида ялпи миллий даромад қийматининг барча элементлари иштирок этади, бироқ миллий даромад асосий манба ҳисобланади, унинг соф даромад қисми аниқса муҳим аҳамиятга эга. Айнан соф даромаднинг ва унинг муҳим молиявий шакли – фойданинг ўсиши молиявий маблағлар ўсишининг юқори ва паст суръатларини шарт қилиб қўяди.

Ялпи миллий маҳсулот қийматидан ташқари ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган даромадлар ҳам молиявий заҳираларнинг муҳим манбаи бўлиши мумкин, фақат бу ишни етарли даражада самарали ташкил этиш керак бўлади. Молиявий ресурс-заҳиралар, шунингдек хўжалик айирбошлашга сафарбар этиладиган миллий бойлик қисми эвазига ҳам шаклланади (жорий йил харажатларини қоплашга сарфланадиган), яъни:

- бюджет маблағларининг бир йилдан кейинги йилга қолган қолдиқлари;
- суғурта компанияларининг заҳира-жамғарма фондлари;
- мамлакат олтин заҳирасининг муайян қисмини сотиш эвазига тушган маблағлар;
- ортиқча мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар ва бошқалар.

Молиявий заҳираларни шакллантириш учун заёмлар ва жалб этилган маблағлардан ҳам фойдаланиш мумкин (банк қарзи, кредитор қарздорлик, акция, облигация сингари қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар ва бошқалар).

Қиймат тақсимоти жараёнида юзага келадиган хилма-хил молиявий муносабатлар молиявий заҳираларнинг турли шакллариини шарт қилиб қўяди. Улар орасида: даромад, солиқларнинг турлари, суғурта тўловлари, амортизация ажратмалари асосийларидир, уларнинг ўсиши эҳтимоли нафақат ялпи ички маҳсулотнинг умумий миқдорлари, балки унинг тузулиши, ташкил этувчи бўғинларнинг жўшқинлиги билан ҳам белгиланади. Афсуски, 80-90 йилларда собиқ иттифоқда ялпи ички маҳсулот таркиби узлуксиз ёмонлашди, фондларни маънавий ва жисмоний эскириши ортди, бу молиявий ресурслар мутлақ йириклиги ва суръатлари қисқаришига олиб келди. Айни кезде уларга талаб тўхтовсиз ортиб бораверди.

Иқтисодиётни тартибга келтиришда молиявий маблағларнинг кенг қўлланилиши (барча соҳалар ва бўғинлар билан) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг қайта ишлаб чиқариш, тармоқ ва ҳудудий таркибини ўзгартириш учун шарт-шароит яратади. Ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга келтиришнинг асосий воситаси корхоналарнинг – молиявий маблағлари ҳисобланади. Уларнинг ёрдами билан қайта тикланган ишлаб чиқариш бўғини тартибга келтирилади; истеъмолга ва жамғаришга йўналтирилган маблағлар ўртасида энг мувофиқ мутаносиблик ўрнатиш асосида кенгайтирилган ишлаб чиқариш молиявий таъминланади; меҳнат заҳираларига таъсир кўрсатилади. Қайта тикланган нисбатларни тартибга келтиришда корхоналар молиявий маблағларининг кенг қўлланилиши айни пайтда мазкур жараёнда (суғурта қилдириладиган ходисалар зарари сезиларли бўлган тақдирда), банк қарзлари (молиявий заҳиралар вақтинча етишмаганда), бюджет (солиқ солиш механизми, солиқ имтиёзлари берилиши, бюджетдан субсидиялар ажратилиши ва бошқаларда) иштирок этишини истисно этмайди. Қайта тикланган таркиб, энг аввало, хўжалик субъекти томонидан муайян мақсадларга ички

хўжалик фондларига чегирмалар нисбатини ўзгартириш йўли билан тартибга келтирилади. Хўжалик самарадорлигини ошириш, янада юқори тижорат даромади олиш учун мана шундай тартибга келтириш зарур. Шу билан бирга, бозор шароитида давлатнинг тартибга солиш йўли анча ортади, давлат солиқлар (солиқ миқдори, ажратиш тартиби, бунда имтиёзлар бериш билан) ёрдамида корхоналарнинг шахсий молиявий захиралари билан таъминланганлик даражасини оширишга таъсир кўрсатишга интилади. Давлат қайта тикланган нисбатларга таъсир қилувчи: жадал амортизация, мутахассислар тайёрлаш, ижтимоий суғурта ва бошқаларга бюджетдан маблағлар ажратиш каби бошқа молиявий омилларни ҳам қўллайди. Ҳосил қилинган нисбатларни тартибга солишда ишлаб чиқариш барқарорлигини кафолатлайдиган суғурталаш аҳамияти ҳам аста – секин орта боради. Суғурталаш келгусида (мажбурий равишда ташкил этилган ҳолда) муваффақиятсиз илмий – техникавий ихтиролар келтирадиган зарарлар, шунингдек иш ташлашлар ва сиёсий норозиликлар оқибатида олинмаган даромадни ҳам қоплай оладиган бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тармоқлардаги нисбатни тартибга келтириш ёки мувофиқлаштириш учун корхоналар маблағларидан ва давлат бюджетидан фойдаланилади. Бунда корхоналар молия бозорида (суғурта ва бошқаларда ҳам) молиявий захираларни имкон борича кўпроқ фойда келтирадиган соҳаларга сарфлашга ҳаракат қиладилар. Хусусан, бошқа корхоналарнинг акцияларини харид қиладилар, сармояларини кўчмас мулкка сарфлайдилар, банклар ва давлатга қарз берадилар ва ҳ.к. Давлат эса ўз бюджети ва бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланиб, фаол амортизация ва бож сиёсати юритиб, нарх – навога таъсир кўрсатиб, шу билан бирга бошқа ишларни амалга ошириб, ижтимоий ишлаб чиқариш тармоқ таркибини тартибга келтиради.

Тармоқлардаги нисбатларни тартибга келтириш давлат механизмида бюджетга тўловлар (даромадлар), шунингдек бюджетдан молиявий таъминлаш бирдек муҳимдир, лекин, бу уларнинг роли бир хил дегани деган фикр эмас. Бюджетга тўловлар асосан корхонанинг хусусий молиявий негизини (солиқ ставкалари, имтиёзлар, санкциялар билан) тартибга келтиришга қаратилган бўлиб, ўз навбатида муайян хўжалик субъектида қоладиган хусусий молиявий захираларнинг ундай ёки бундай улуши катталигигагина таъсир кўрсатади. Бюджетдан молиявий таъминлаш бошқа ролни бажаради – умумдавлат захираларини жалб этиш йўли билан корхоналарнинг молиявий имкониятларини кучайтиради. Бу иқтисодиётнинг айрим тармоқлари жадал ривожланишига ёрдам беради, янги ишлаб чиқаришлар ва замонавий технологиялар пайдо бўлиши, илмий-техникавий жараён жадаллашиши учун шароит яратиб, хилма-хил тармоқлар раванқ топишини таъминлайди.

Худудий нисбатларни тартибга келтиришда асосан давлат ва маҳаллий молиявий маблағлар, қисман эса корхоналар молиявий маблағлари иштирок этади. Тартибга келтиришнинг ўзи эса қуйи бюджетларга дотациялар ва субвенциялар бериш, худудий тартибга келтириш фондлари шакллантириш ва улардан фойдаланиш, турли давлат кредитлари каби усуллар билан амалга оширилади. Корхоналар молиявий маблағларни ижтимоий ишлаб чиқариш худудий таркибларига тадбиркорлик худудларини кенгайтириш, шаҳарлар ва янги турар

жой зоналарини ривожлантиришга маблағлар ажратиш йўли билан таъсир кўрсатади.

Молиявий заҳираларнинг ҳудудлараро қайта тақсимланиши мамлакат турли минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси бараварлашишига, халқ хўжалиги таркибида тармоқ ва ҳудудий нисбатлар такомиллашувига ёрдам беради. Қайта тақсимлаш туфайли мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш, янги ўзгартирилган туманларни ҳар томонлама ривожлантириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга қаратилган тадбирлар пул маблағлари билан таъминланади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тартибга келтиришда молиявий маблағларнинг кенг қўлланилиши бу жараёндан бошқа омиллар истисно қилинишини билдирмайди. Иқтисодиётни ривожлантиришни ҳозирги босқичини муҳим вазифалардан бири тармоқ ва ҳудудий нисбатлар тартибга келтириш ёки мувофиқлаштирилишида қийматни қайта тақсимлашнинг барча усуллари – молиявий (шу жумладан, бюджет), кредит, баҳо-ғоят муносиб уйғунлаштирилиши керак. Уларнинг ҳар биридан тўғри ва тўла-тўқис фойдаланишга эришиш керак. Иқтисодиётни тартибга келтиришнинг қиймат омиллари ҳозирги қўлланилишида ҳал қилиниши даркор кўплаб муаммоларнинг борлиги шундай вазифани тақозо этади.

Мисол учун, иқтисодиётнинг айрим соҳаларида ҳосил қилинган нисбатларни таъминлаш учун ҳамон давлат бюджетидек қиймат регулятори қўллаб келинмоқда. Шубҳасиз, бюджет усули йўналтирилаётган пул маблағлар аниқ манзилга боришини таъминлайди, тез ва амалий ёрдам бериш имконини яратади. Бироқ, тажрибанинг кўрсатишича, унинг қўлланилиши салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Бюджет корхоналарнинг баҳо билан таъминланмаган молиявий эҳтиёжларини қондириб, хўжалик субъектларида боқимандаликни авж олдирадигани, улар марказлаштирилган фонддан тайёр маблағларни олишга беихтиёр кўниқиб, ички хўжалик имкониятларини юзага чиқармайдилар ва сафарбар этмайдилар, таннархни камайтирмайдилар, тежамкорликка ҳам риоя қилмайдилар.

Бюджетдан молиявий таъминлашнинг самараси пастлиги баҳо эркинлашуви шароитларида кескин қисқаришини шарт қилиб қўйди. Лекин ундан шундай фойдаланиш ҳам бахсдан ҳоли эмас, чунки бозор иқтисодиёти фаолиятининг жаҳон тажрибаси бошқа нарсдан – давлат томонидан молиявий ёрдам заифларга эмас, балки иқтисодий кучли корхоналарга кўрсатилишидан далолат бермоқда: бюджет маблағлари даромад келтирмайдиган корхоналарни шунчаки тутиб туриш учун эмас, балки хўжалик фаоллигини яна ҳам кучайтирувчи восита сифатида қўлланилади. Шу боис ҳосил қилинган нисбатларни тартибга келтиришнинг қиймат-дастак омиллари – баҳо, сармоялар, кредитдан фойдаланишнинг таркиб топган амалиётини шундай қайта кўриб чиқишимиз керакки, иқтисодий воситаларнинг ҳар бири тақсимлаш муносабатларининг ижтимоий ўрни ва бажарадиган вазифаларига объектив мос соҳаларида фаолият кўрсатсин ёки ишини бажарсин. Тубли нисбат регуляторлари қўлланилиши доирасида чегаралаш, уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини кучайтириш молиявий маблағлардан (шу жумладан, бюджетдан) иқтисодий стратегиянинг тармоқ ва ҳудудий

нисбатларни тартибга келтириш, иқтисодиётда таркибий силжишларни таъминлаш, давлат заҳираларни юзага келтириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби асосий йўналишларида самарали фойдаланиш имконини беради.

Давлат молияси мамлакат молия тизимининг асосий соҳаси бўлиши билан бир қаторда у давлатни ўз олдига турган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик функцияларини амалга оширишда молиявий ресурслар билан ҳам таъминлаб туради.

Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти - бу ялпи ички маҳсулотнинг қийматини, миллий даромаднинг бир қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида марказлашган ва марказлашмаган молиявий ресурсларининг шаклланиши, улардан кенгайтирилган ишлаб чиқариш билан бир қаторда жамиятнинг ўсиб бораётган ижтимоий маданий тадбирларида фойдаланишдаги пул муносабатлари йиғиндисидир.

Мазкур соҳадаги пул муносабатларининг субъектлари бўлиб: давлат, корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва кенг аҳоли қатлами мисол бўладилар.

Давлат молиясининг иқтисодий тузилиши том маънода бир хил эмас, у бирига боғлиқ бўлган бўғинлардан ташкил топсада, лекин бажараётган функциялари билан бир-биридан фарқ қиладиган бўғинлар йиғиндисидан иборатдир.

Давлат молияси соҳасининг бўғинларига: давлат бюджети; нобюджет фондлар; давлат кредити ва давлат корхоналари молияси киради.

Республикамизда давлат бюджетининг тузилиши икки бўғинлидир - бу Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар йиғиндиси. Республика бюджетидан асосан жамият аҳамиятига молик бўлган чора-тадбирлар молиялаштирилади, жумладан, марказлаштирилган инвестициялар, мудофаа харажатлари, бошқарув харажатлари. Республика бюджетидан мамлакат микёсидаги иқтисодий - ижтимоий масалалар ижобий хал қилинишига қаратилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан бюджет муносабатлари ичида маҳаллий бюджетларга эътибор кучаймоқда. Кейинги пайтларда маҳаллий хокимиятга мустақиллик берилиши муносабати билан булар тез суратлар билан ривожланиб бормоқда. Маҳаллий бюджетлардан асосан маҳаллий аҳамиятга молик булган чора-тадбирлар молиялаштирилади. Жумладан, ҳудудий инфратузилмани ташкил қилишда, меҳнат ресурсларининг қайта тиклаш, аҳолининг меҳнат фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган ижтимоий тадбирлар ва ҳақозолар.

Давлат молияси соҳасининг таркибий қисмидан бири бу нобюджет фондлардир. Нобюджет фондларни зотан республика ва маҳаллий хокимият органлари бошқарсада, лекин булар узига хос молиявий сиёсатга ва мустақилликка эгадирлар. Нобюджет фондларнинг хусусиятли томони шундаки, улар олдиндан маълум бир мақсадга йуналтирилган булади ва факат шу йуналишларда фойдаланилади. Нобюджет фондлар таркибига: давлат нафақа (пенсия) фонди, аҳолини давлат бандлик фонди, давлат йул фонди, давлат ижтимоий сугурта фонди ва бир нечта умумжамоа аҳамиятга эга булган “Умид”, “Устоз”, “Амир Темур”, “Навруз” ва бошқа фондлар киради.

Давлат молиясининг характерли буладиган бири бу давлат кредитидир. Давлат кредитининг мазмуни шундаки, бу давлат уз харажатларини молиялаштириш учун ахолининг хужалик субъектларини ортикча молиявий ресурсларини вақтинча фойдаланишидир. Демак, бу ерда давлат карз бермасдан, балки карз олишидир. Давлат кредитидан фойдаланиш учун ҳукумат молиявий бозорга жисмоний ва юридик шахсларга мулжалланган заёмлар, киска муддатли облигациялар, газначилик мажбуриятлари ва бошқа турдаги давлат кимматбаҳо коғозларини муомалага чиқардилар. Мамлакат хаётида давлат кредити иқтисодий тартибдорлаштириш ва молиявий соғломлаштиришда муҳим роль уйнайди. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлат кредитидан цивилизация бюджети камомадини коплашда кенг фойдаланилади. Муомаладан пул оқимини суствлашишини олдини олишга хизмат қиладиган давлат кредити пул муомаласидаги оборотни тезлаштиради. Ишнинг мазкур бўлимида давлат молиявий ресурсларини нечоғлик зарурлигини кўриб ўтдик.

1.3 Давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари

Давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий манбаси бўлиб, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” қонуни ҳисобланади.

Мамлакатда бюджет интизомининг аҳолини характерлайдиган кўрсаткичларнинг бу тоифаси уларнинг орасидаги энг муҳим кўрсаткичлар саналиб, шунинг учун ҳам бу борада кейинги йилларда талайгина ишлар амалга оширилдики, улар пировардида, бюджет интизомининг яхшиланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Жумладан, бу бўйича 1999 йилнинг 3 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 1 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида»ги қарори ва Адлия вазирлигидан 2001 йил 30 июнда 1044-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклариға нисбатан белгиланган ҳисобварақларни очиш, миқозлар ҳисобварақларига маблағларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш, нақд пул маблағларини иш ҳақи ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган мақсадлар учун бериш қоидаларини бузганликлари учун жарима жазоларини қўллаш тўғрисида»ги Низомлар ишлаб чиқилди.

Ушбу кўрсаткич бўйича қилинган ишлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарорининг чиқарилиши давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағлар билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида қилинган энг муҳим ислохотлардан бири бўлди. Ана шу қарорга асосан 2000 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартиби жорий қилинди. Унда қуйидагилар:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш;

- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди.

Янги тартибга асосан бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича маблағ билан таъминлаш белгиланди:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қуйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотларининг биринчи навбатдаги харажатлари маблағ билан таъминланади. Бунда II гуруҳ харажатларга тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш таъқиқланади.

Харажатларнинг III гуруҳи бюджет ташкилотлари томонидан республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида маблағ билан таъминланади.

"Бошқа харажатлар" IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Бу қарорнинг чиқиши бюджет тизимида бозор муносабатларини шакллантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди, дейишимиз мумкин. Чунки бу қарорнинг энг муҳим аҳамиятли жойларидан бири шундан иборатки, унга асосан бюджет муассасаларига юридик шахс мақоми ва уларнинг маблағ билан таъминланиш манбалари кўрсатиб берилди. Шунингдек, даромад манбаларининг йўналишлари белгиланиб, ўзларининг эҳтиёжлари учун, яъни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўз ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадларига маблағ тўплаш учун "Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси"ни шакллантириш ҳуқуқи ва жамғарма маблағларининг сарфланиш тартиблари белгиланди.

Бюджет муассасаларига мустақилликнинг берилиши, албатта, жойлардаги молия органларига мустақиллик берилиши дегани бўлиб, уларда жойлардаги муаммоларни тез ҳал этиш учун маблағлар топиш имкониятларини вужудга

келтиради, ҳудудлар моддий таъминотини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағларидан самарали, ҳудуд иқтисодиётига кенг қамровли фойдаланишда янги йўлларни очиб бериши, шубҳасиздир. Бир вақтнинг ўзида, бундай тартибнинг жорий этилиши, бизнинг назаримизда, бюджет интизомига риоя этишнинг янги пағонага кўтарилишини ҳам тақоза этади.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишни, тўловларнинг ўз вақтида ўтишини, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишни ифодаловчи кўрсаткичлар;

Бюджет интизомини характерловчи кўрсаткичлар орасида бу кўрсаткичлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, таҳлил натижаларининг кўрсатишича, мамлакатимизда уларнинг эрилишига ҳам кейинги йилларда жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги УП-2165-сонли Фармонида асосан ушбу Жамғарма ташкил этилди ва бу Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги УП-2874-сонли Фармони билан баъзи бир ўзгартиришлар киритилди.

Уларга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ичида Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғармалар маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бошқармасининг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармаларида тегишли бўлимлар ташкил этилди. Жамғарма маблағларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, банклар ва Жамғармага алоқаси бўлган ташкилотлар зиммасига юклатилди.

Штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиши устидан назорат олиб боришга оид кўрсаткичлар;

Бу кўрсаткичлар бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомининг аҳволини тавсифлашда марказий ўринни эгаллаганлиги учун мамлакатимизда кейинги пайтларда уларга ҳам алоҳида кўз билан қаралаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 888-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси, Қорқалпоғистон Республикаси республика бюджетларида, шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ҳақида”ги Йўриқнома ҳамда Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш” тартиби ишлаб чиқилди.

Ушбу йўриқнома ва тартибларнинг ишлаб чиқилиши молия органлари ва бюджет ташкилотлари фаолиятида бюджет маблағларини ноўрин сарфлаш ҳолатларининг, бюджет ташкилотларига ҳақиқий эҳтиёжга қараб маблағлар ажратиш, бюджет муассасалари раҳбарларининг штат-смета интизомига риоя

қилишлари, ортикча штат бирликларидан фойдаланмаслик, иш ҳақларини белгиланган миқдорлардан ошириб юбормаслик, ишламаган ходимларга ҳақ тўламаслик, бюджет ташкилотлари смета харажатлари ва штат жадвалларини белгиланган муддатларда молия органларидан рўйхатдан ўтказиш бўйича бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун қўйилган муҳим кадамлардан бири бўлди, дейишга асослар етарлидир.

Бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб боришга доир кўрсаткичлар;

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топаётган ва мол етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасидаги тўловларга оид ўзаро ҳисоб-китоб муносабатлари ўткирлашиб турган бир пайтда бюджет интизомининг аҳволини характерлайдиган кўрсаткичлар тизимининг таркибига юқоридаги кўрсаткичларнинг киритилганлиги, бизнинг назаримизда, алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам уларга етарли даражада эътибор қаратилиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги УП-2832-сонли "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги 178-сонли "Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида"ги қарори ва 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй жой —коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-3227-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Ана шу муҳим ҳужжатларда бюджет ташкилотларига кўрсатилаётган коммунал хизматлар, иссиқлик манбаи, ичимлик суви, оқава сувлари, табиий газ ва электр энергияси бўйича республика ва маҳаллий бюджет ташкилотларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тасдиқланган харажатлар жадвалида белгиланган лимитлар доирасида шартномалар тузганликлари ва уларнинг молия идораларидан рўйхатдан ўтганлигини, тўловлар белгиланган лимит ва шартномага асосан амалга оширилганлигини, шунингдек жойларда ўзаро ҳисоб-китоблар ва таъриф ҳамда нархларни белгилаш бўйича мониторинг назоратини ташкил этиш ва қатъий назоратга олиш юклатиб қўйилди.

Ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилишга доир кўрсаткичлар;

Бюджет интизомининг аҳволини характерловчи кўрсаткичлар сифатида бу кўрсаткичларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва роли ҳозирги пайтда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан Ўзбекистон шароитида, айниқса, аҳоли маълум қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг ўта долзарб аҳамият касб этиши билан белгиланади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда бюджет харажатлари бўйича мониторинг ва назорат ишларини ташкил қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли "Болалик оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоралари ҳақида"ги қарори ва шу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 16 декабрдаги «16 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақаларни молиялаштириш тартиби»га, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 1 февралдаги 12-02-29/159-сонли, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 15 февралда 635-сон билан рўйхатдан ўтган «Боласи 2 ёшга етгунгача ишламасдан бола парваришлагга қарагани учун ҳар ойда оналарга тўланадиган нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби ҳақида»ги Низомга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтган «Ишлаётган оналарга болани 2 ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга ҳамда 1994 йил 31 августда 95-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан моддий ёрдам кўрсатиш учун бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш тартиби»га риоя қилиниши муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланди.

Инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилишга оид кўрсаткичлар;

Бозор муносабатларига ўтилиши мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ривожланишининг ўз ҳолига ташлаб қўйилишини англамайди. Умумдавлат манфаатларини инобатга олган ҳолда уларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш давлатнинг зиммасидадир. Шунинг учун ҳам бу нарса доимо давлатнинг диққат марказидадир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 12 апрелда 1025-сон билан рўйхатдан ўтган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қуйилмаларни бюджетдан маблағ билан таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури тасдиқлангандан ва бунортмачилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ рўйхати таҳлил қилингандан сўнг, молия органлари капитал қуйилмаларни ўзлаштирилиши прогнозларидан ва объектларни ишга тушириш муддатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бюджетни даромадлари ва харажатлари таснифига мувофиқ капитал қуйилмалар бўйича бюджет харажатларининг чораклар ўртасидаги тақсимланган ёзмасини тузадилар. Капитал қуйилмалар бўйича бюджет харажатларининг чораклар ўртасида тақсимланган ёйилмаси, бюджетда кўзда тутилган режалаштирилган йиллик ажратмаларни чораклар бўйича тақсимлаш учун белгиланган муддатларда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралда 66-сонли "Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида" махсус қарорининг 2 параграф 6-бандида инвестиция

дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазифаларидан бири қилиб белгилаб қўйилгандир.

Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуш ҳолларининг олдини олишни характерловчи кўрсаткичлар;

Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашуви натижасида, бюджет маблағларини бюджет параметрларида кўзда тутилмаган қурилиш, таъмирлаш ишларига, автомобиллар ва дабдабали жиҳозлар сотиб олишга ҳамда турли тадбирлар ўтказишга сарфлаб келиш ҳолатларининг содир бўлаётганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам бундай бюджетда кўзда тутилмаган харажатларга бюджетдан маблағлар ажратилишининг олдини олиш ва бюджет интизомига риоя этишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасида «Бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш» бўйича, унинг 35-моддасида «Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш» тартиби, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда рўйхатдан ўтган 1111-сонли «Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш» қоидаларининг Ҳ-боб 6-параграфида "Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар айланма касса маблағлари, даромадлар кўрсаткичларининг ошириб бажариш суммалари ва эркин қолдиқлари миқдорларини аниқлаш тартиби"да, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 12 апрелда 1025-сон билан рўйхатдан ўтган "Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида кўзда тутилган йиллик режалаштирилган даромадлар ва харажатлар ҳажмларини чораклар бўйича тақсимлаш, тадбирларни ва ташкилотларни молиялаштириш бўйича бюджет ижроси жараёнида киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманин 6-7 параграфларида бу нарсалар аниқ қайд этилгандир.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 22 январда 877-сон билан рўйхатга олинган «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармаси ҳақида»ги Низом ҳам захира жамғармаларидан шу мақсадларда фойдаланиш йўналишларини белгилаб берган.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1999-йил 15 апрелдаги Қонуни асосида Назорат-тафтиш бош бошқармаси органларига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 175-моддасининг 2-қисмига мувофиқ мансабдор шахсларнинг «Бюджет интизомини бузиш» бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чоралари қўллаш ҳуқуқлари берилган.

Фуқароларнинг молия ва бюджет интизоминининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишни ифодаловчи кўрсаткичлар.

Бу тоифага кирувчи кўрсаткичлар тизими ҳам бюджет интизомини характерлайдиган кўрсаткичларнинг муҳимларидан бир гуруҳи саналиб, бу борада

хам республикамизда кейинги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикасидаги фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризалари тўғрисида 1994 йил 6 майда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун талабларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралда 66-сонли "Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" махсус қарорининг 2-параграф 6-бандида фуқароларнинг молия ва бюджет интизомининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий органларининг асосий вазибаларидан бири қилиб қўйилди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, таҳлил жараёнида ва тегишли хулосаларни чиқариш учун ҳозирги амалиётда бюджет интизомининг аҳолини характерлайдиган кўрсаткичларни, шартли равишда, 9 гуруҳга бўлиш мумкин. Гарчи бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича кейинги йилларда талайгина ишларнинг қилинганлигини, айрим ҳолларда эса бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш борасида кечкин чораларнинг кўрилганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлса-да, амалга оширилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, ҳамон бу йўналишда ўзининг ҳал этилишини кутаётган муаммоларнинг мавжуд эканлигини аниқлашимиз мумкин.

Жумладан, бюджет интизомининг ҳозирги аҳоли республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилишини ҳамма вақт ҳам таъминламаяпти. Молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқчилигига риоя қилиш, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича ишлар бозор иқтисодиётининг талаблари даражасида эмас. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишда, тўловларнинг ўз вақтида ўтишида, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишида зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда штат-смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиш ҳолатини, тўлиқ даражада, ижобий баҳолаб бўлмайди. Бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилиши ҳолатларини ҳам худди шундай баҳолаш мумкин.

Ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишида ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилаяптики, улар ҳақли равишда мамлакатимиз аҳолисининг турли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланишни ҳам, миллий иқтисодиёт манфаатлари нуқтаи-назаридан, давр талаблари даражасида деб бўлмайди. Ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари

ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашиб ҳолларига узиликесил чек қўйилмаган. Ва ниҳоят, фуқароларнинг молия ва бюджет интизоминининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризалари ҳамон давом этмоқда.

II боб. Ўзбекистон иқтисодиётида давлат молиявий ресурсларини бошқаришни иқтисодий ҳолати таҳлили

2.1 Давлат бюджети ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлили

Ўзбекистон Республикаси давлат молиявий ресурсларини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳаси доирасида ғазначилик тизимини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унда, биринчи навбатда, давлат молиявий ресурсларини бошқаришнинг илғор ахборот тизимини яратиш кўзда тутилган. Мазкур дастурнинг тадбиқ этилиши давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини реал вақтда тўлиқ ҳисобга олинишини, давлат бюджети ижроси жараёнининг тизимли назорат қилинишини, давлат бюджети маблағларини, улар ягона ғазна ҳисобварағига тушган вақтдан бошлаб давлат буюртмасининг сўнгги пудратчи ҳисоб рақамига келиб тушгунча бўлган даврда самарали бошқаришни таъминлайди.

Ягона ғазначилик тизими, вилоят, туман ва шаҳар молия органларининг қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини сақлаган ҳолдв, манфаатлар қарама-қаршилигини истисно этиш керак. бундай зиддиятларнинг келиб чиқиши эса бюджетлараро муносабатларнинг кейинги ривожланиш жараёнида муқаррардир. Қарорларни қабул қилиш, уларни ижро этиш ва ижрони назорат қилишни ягона молия органи амалга оширганда ҳамда давлат бюджетини унинг барча даражаларида бажарилиши бўйича бутун жавобгарликни ўз зиммасига юклаганда, зиддиятларни бартараф этиш анча енгиллашади. Бунинг учун ягона меъёрий базани шакллантириш ҳамда бутун ғазначилик тизими учун ваколатлар ва маъсулиятни тақсимлаш талаб этилади.

Ўзбекистонда ғазначиликни ташкил этиш бўйича ишлар ўтган асрнинг 90 йилларида бошланди ва 2002йилда давом этиб, “Давлат молиясини Бошқариш ислоҳотлари” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2002 йилдаги 144- сонли ”Давлат молиясини Бошқариш ислоҳотлари лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори асосида янада мустаҳкамланди.

“Давлат молиясини бошқариш ислоҳотлари” лойиҳаси миллий стратегик мақсадлардан келиб чиқиб, 2 та компонентдан иборат: бюджетни тайёрлаш компоненти ва бюджет ижроси компоненти. Бюджетни тайёрлаш компонентининг мақсади –бюджет даромад қисмини тузиш, даромадлар таркиби, маблағлар келиб тушишининг назорати. Бюджет ижроси компонентининг асосий мақсади – ғазначилик тизимига кириш (пул маблағларини бошқариш, молиявий активлар ва қарздорликлар, қарзларни бошқариш, давлат банки счётлари ва ҳисоботларини бошқариш) орқали пул маблағларини бошқариш ва бюджет ижросини мониторинг қилишнинг самарали усулларида фойдаланишдан иборат.

Ҳозирги амалиётда давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги тартибда классификация қилинапти:

1. Тўғри (бевосита) солиқлар. Уларнинг таркибига юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун

ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар; ягона солиқ тўловидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар билан биргаликда) Давлат бюджетига ажратмалар; жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий солиқ киради;

2. Эгри (билвосита) солиқлар. Бу солиқларнинг таркиби қўшилган қиймат солиғи; акцизлар; божхона бождари; жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови; транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинадиган солиқдан иборат;

3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи. Бу гуруҳга кирувчи солиқлар ва тўловлар мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ўз ичига олади;

4. Устама фойдадан олинадиган солиқ;

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривож-лантириш учун солиқ;

6. Бошқа даромадлар.

Шунингдек, юридик нуқтаи-назардан, бюджет даромадлари уч гуруҳга ажратилиши мумкин:

- давлат бюджети даромадлари;
- республика бюджети даромадлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари.

Давлат бюджети даромадларига “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига мувофиқ қуйидагилар киритилади:

- қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, бождар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- давлатнинг молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қуйидаги даромадларни ўз таркибига олади (юқоридаги қонуннинг 15-моддаси):

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ва нормативлар асосидаги умумдавлат солиқлари, йиғимлари, бождари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига берилган тўловлар;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Ва ниҳоят, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагилар ҳисобидан шакллантирилиши мумкин (“Бюджет тизими тўғрисида” ги қонуннинг 18-моддаси):

- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Бюджет даромадларининг таркиби ва унинг тузилмаси доимий бўлмасдан, улар мамлакат тараққиёти ва давлатнинг олдидаги вазифаларнинг ўзгаришига мувофиқ равишда ўзгариб боради. Масалан, қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасининг 2010-2011 йиллардаги Давлат бюджетининг даромадларини таркиби акс эттирилган. (1-жадвалга қаранг).

Демак, 1-жадвалда келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари 2010 – 2011 йиллардаги режалаштирилган тўғри (бевосита) солиқлар, эгри (билвосита) солиқлар, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи, устама фойдадан олинладиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ва бошқа даромадлардан кўриш мумкин. Давлатимиз бюджетининг даромадлари таркибий тузилмасида эгри (билвосита) солиқлар, яъни кўшилган қиймат солиғи, акцизлар, божхона божлари, жисмоний шахслардан олинладиган ягона бож тўлови ва транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан олинладиган солиқлар ҳал қилувчи рольни ўйнамоқда. Айнан шу гуруҳга кирувчи солиқлар ҳисобидан Давлат бюджети даромадларининг қарийб ярми (53 %) шаклланапти. Буни кўриш мумкинки, олдинги йилларга нисбатан ортиб борган. Бу ердаги солиқлар орасида 2010 йилда

қўшилган қиймат солиғи (30,4%) бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич (32,3 %) га ортиши режалаштирилган ва 2010 йилда акциз солиқлар (16,7%) ни этса 2011 йилда (15,3 %) га режалаштирилган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Биргина қўшилган қиймат солиғи ёрдамида Давлат бюджети даромадлари қарийб $\frac{1}{4}$ қисмининг шаклланаётганлиги бу солиқнинг бюджет даромадлари тузилмасидаги ўрнининг қандай эканлигини яққол кўрсатапти.

Шунингдек, Давлат бюджети даромадларининг таркибий тузилмасида тўғри (бевосита) солиқлар ҳам ўз ўрнига эга. Унинг асосий қисми (жами тўғри (бевосита) солиқларнинг 26,0%) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳиссасига (11,1%) га тўғри келаяпти. Бу ерда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (5,1%) ҳам шу гуруҳга кирувчи бошқа солиқларга нисбатан бюджет даромадларини шакллантиришда алоҳида рольни ўйнамоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
даромадларининг таркиби ва тузилмаси⁸**

№	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил (режа)	
		млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)
I	Даромадлар-жами Давлат мақсадли пул фондларининг даромадларисиз	13116396,9	100	16178564	100
1.	<i>Тўғри (бевосита) солиқлар</i>	3420602,8	26,0	4238733	26,2
1.1	Юридик шахсларнинг фойдасига солиқ	645476,1	4,9	825011,7	5,1
1.2	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови бўйича давлат бюджетига ажратма	297034,7	2,3	527481,4	3,3
1.3	Давлат бюджетига ягона солиқ тўлови бўйича ажратма, шу жумладан микрофирма ва кичик корхоналар учун	346321,2	2,6	378360,0	2,3
1.4	Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ			1789700,0	11,1
1.5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадига қатъий белгиланган солиқ	139145,7	1,5	187547,1	1,2
1.6	Ободанлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ	457591,7	4,5	530632,6	3,3
2.	<i>Эгри (билвосита) солиқлар</i>	6973809,5	53,1	8656853,1	53,5
2.1	Кўшилган қиймат солиғи	3987982,3	30,4	5228773,9	32,3
2.2	Акциз солиғи	2191092,1	16,7	2481794,0	15,3
2.3	Божхона божи	479267,2	3,7	515980,5	3,2
2.4	Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ истеъмоли учун солиқ	315467,9	2,5	430304,7	2,6
3.	<i>Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи</i>	1974143,8	15,0	2308908,7	14,3
3.1	Мол-мулк солиғи	354128,5	2,7	490536,2	3,1
3.2	Ер солиғи	303850,1	2,3	346862,9	2,1
3.3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	1265000,0	9,7	1409715,0	8,8
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	51165,2	0,3	61794,6	0,4
4.	<i>Устама фойдадан солиқ</i>	25695,7	0,1	142314,4	0,8
5.	<i>Бошиқа даромадлар</i>	722145,1	5,5	831754,5	5,1
II	Давлат мақсадли жамғармаларининг (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашуви жамғарма, Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисобварағи) даромадлари	6205612,1	47,3	7725383,1	47,8
III	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасининг даромадлари	315487,2	2,5	-	-
IV	Молия вазирлиги ҳузуридаги унумдор ерларни мелиоратив яхшилаш жамғармаси даромадлари	150000,0	1,2	184500,0	1,2
V	Ўзбекистон Республикаси ривожлантириш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари	1529734,5	11,7	1905738,0	11,8

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сон, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 Қарорларидан олинган.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи ёрдамида Давлат бюджети даромадларининг 15,0% ташкил топаяпти. Унинг яна бир қисми (шу гуруҳга кирувчи солиқларнинг 9,7%) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келаяпти.

Мамлакат миллий хўжалигини молиявий жиҳатдан тартибга солиш бюджет даромадларини режалаштириш ва бюджетдан молиялаштириш жараёнлари давомида амалга оширилади. Режалаштириш жараёнининг ўзидаёқ бюджет харажатларининг умумий ҳажми горизонталига (тармоқ, вазирлик ва мақсадли кесимларда) ва вертикалига (бошқарувнинг турли даражаларига мувофиқ равишда) тақсимланиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши учун тегишли шароит яратилади. Бюджетдан молиялаштириш жараёнида эса давлат ўзининг ихтиёрига келиб тушаётган пул маблағларини режалаштирилган тадбирлар доирасида ва ундан ташқарида кенг манёвр қилиш имконига эга бўлади. Маблағларни конкрет тақсимловчиларга бюджет кредитларини очиш, бюджет ассигнованияларини бериш ва уларнинг самарали фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириб, молия органлари иқтисодиётнинг ривожланиши устидан кузатувни диққат билан амалга оширадilar ва керак бўлган ҳолларда тақсимланаётган бюджет маблағларининг пропорцияларини ўзгартирадilar.

Бюджетда даромадларни харажатларнинг конкрет турлари ва йўналишлари бўйича бириктирилиши принципи бўлмаганлиги учун бу ерда бюджет ресурслари билан кенг манёвр қилиш ва шунга мувофиқ равишда давлатнинг ихтиёрига келиб тушувчи пул маблағлари ҳар қандай зарурий йўналишда фойдаланилиши мумкин.

Бюджет харажатларининг таркиби ва унинг тузилмаси давлатнинг табиатига, у томонидан бажарилаётган функцияларга, миллий хўжаликнинг эҳтиёжларига боғлиқ ҳамда бюджет механизми орқали ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг баъзи бир омилларига давлатнинг таъсирчанлигини таъминлаш кабилар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2010-2011 йилларга тегишли бўлган таркиби ва унинг тузилмаси 2-жадвалда келтирилган (навбатдаги бетга қаранг).

Демак, 2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2010-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг ярмидан кўпроғини (59,0% и) ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ташкил этмоқда. 2010 – йилда бу харажатларнинг таркибида асосий ўринни маориф (33,7%), соғлиқни сақлаш (12,4 %) ва оилаларга ижтимоий нафақалар (10,4%) эгалламоқда. Умумий ҳолда эса ана шу уч гуруҳдаги харажатлар Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган маблағларнинг 94,5%га тенг бўлмоқда.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг бу гуруҳга кирувчи харажатлари ёш авлодни тарбиялаш ва уларга замонавий билимларни бериш, миллий хўжалик учун зарур бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, аҳолига малакали тиббиёт хизматини кўрсатиш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот янада яхшилаш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги мураккаб шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига Ўзбекистонда қандай эътибор берилаётганлигини яна бир бор яққол кўрсатмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети
харажатларининг таркиби ва тузилмаси⁹**

№	Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил (режа)	
		млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)
I	Давлат мақсадли жамғармаларсиз харажатлар- жами	13732502,5	100	16991100,0	100
1.	<i>Ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун харажатлар - жами</i>	8113004,0	59,0	10112313,4	59,5
	<i>шу жумладан:</i>				
1.1	Маориф	4635065,9	33,7	5890847,3	34,7
1.2	Соғлиқни сақлаш	1704132,2	12,4	2217691,9	13,0
1.3	Маданият ва спорт	159913,3	1,2	194851,1	1,1
1.4	Фан	83570,8	0,6	111052,5	0,6
1.5	Ижтимоий таъминот	59281,1	0,4	74321,3	0,4
1.6	Оилаларга ижтимоий нафақалар, шу жумладан болали оилалар	1431895,2	10,4	1582551,8	9,3
2.	<i>МНЖ, МПЖ ва фуқаролар жамиятлари институтларини ривожлантириш маблағлари ва грантлари</i>	4500,0	0,03	5000,0	0,02
3.	<i>Иқтисодиёт харажатлари</i>	1573250,1	11,5	1952119,4	11,5
4.	<i>Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари</i>	825000,0	6,0	950000,0	5,6
5.	<i>Давлат хокимияти, бошқарув ва суд органларини сақлаш харажатлари</i>	351999,7	2,6	472304,6	2,7
6.	<i>Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари</i>	118508,2	0,8	152215,6	0,9
7.	<i>Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси</i>	54175,0	0,3	57000,0	0,3
8.	<i>Бошқа харажатлар</i>	2692065,5	1,9	3290147,0	19,4
II.	Давлат мақсадли жамғармаларининг (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма, Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисобварағи) харажатлари	6205612,1	4,5	7725383,1	45,5
III.	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасининг харажатлари	315487,2	2,3	-	-
IV.	Молия вазирлиги ҳузуридаги унумдор ерларни мелиоратив яхшилаш жамғармасининг харажатлари	150000,0	1,1	184500,0	1,1
V.	Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ва тараққиёт жамғармасининг харажатлари	1408050,0	10,3	1368332,3	8,0

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сон, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 Қарорларидан олинган.

Иқтисодиёт харажатлари ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари ўзларининг салмоғига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари таркибий тузилмасида кейинги ўринни эгаллаб, уларнинг ҳар бирига, мос равишда, бюджет харажатларининг 11,5% ва 6,0% салмоққа тўғри келаяпти. Бу рақамлар бюджет маблағлари ҳисобидан мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва ўзгартириш, миллий хўжалик секторларида иқтисодий самарадорликнинг ўсиши таъминлаш, илмий-техника тараққиётининг ўсиш суръатларини тезлаштириш, ягона техникавий сиёсатни юргизишга жиддий эътибор берилаётганлидан дарак беради. Битирув малакавий ишнинг мазкур бобида бюджет ижросини ҳозирги кундаги ҳолатини таҳлиллар асосида ўрганиб чиқдик. Кейинги бобда бевосита бюджет ижросини келгусида такомиллаштириш йўллари кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ишнинг иккинчи бобни биринчи параграфида биз Давлат бюджети ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлилинини мамлакатимиз миқёсида қай тартибда эканлиги билан танишдик ва таҳлиллар асосида тегишли хулосалар чиқардик. Бизнинг фикримизча, таҳлиллар натижасида биз битирув малакавий ишимизнинг кейинги параграфини муҳокама қилишга бағишлаймиз.

2.2 Давлатни мақсадли жамғармаларини молиявий ҳолати таҳлили

Ҳукумат томонидан Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси бўйича ягона интеграциялашган ахборот тизимини (Информационная система управления Государственными финансами – ИСУГФ) яратиш бўйича комплекс тадбирлар қабул қилинди ва унга Осиё тараққиёт банки ва бошқа молия институтларининг қарз маблағларини жалб қилиш орқали Давлат бюджетининг ҳамма даромадларини ягона ғазначилик счётида консолидация қилиш имкони яратилади ва ундан тўловлар амалга оширилади.

ИСУГФ «Давлат молиясини бошқариш ислохотлари» лойиҳаси томонидан дастур асосида тайёрланган янги бюджет классификациясидан фойдаланган ҳолда режалаштирилади, бу эса Давлат бюджетини шаффофлигини оширади ва халқаро стандартлар асосида бюджет классификацияси имконини беради.

Давлат молиясининг таркибида бюджетдан ташқари мақсадли махсус жамғармалар даромадлари алоҳида бўғинни ташкил этади. Бундай жамғармалар республика ва маҳаллий ҳукумат томонидан бошқарилсада, ҳам ташкилий жиҳатдан бюджетдан ажралган ва маълум мустақилликка эга. Давлат бюджетининг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларининг бош мақсади махсус мақсадли ажратмалар ва бошқа манбалар ҳисобига давлатнинг мақсадли чора-тадбирларни молиялаштириш бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мақсадли жамғармаларнинг асосли фаолият кўрсатиш аҳамияти ўсиб бормоқда. Махсус мақсадли жамғармаларининг автоном мавқеи муҳим ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришни кафолатлаш имконияларини яратиб бермоқда. Мақсадли

жамғармалар молиявий захиралар ролини бажариш орқдди республика ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан молиявий қийинчиликлар сезилган ҳолларда бундай жамғармалардан фойдаланиш имкониятларига эга бўлмоқдалар. Бюджетнинг мақсадли жамғармалар даромадларини оқилона ташкил этилиши туфайли давлатнинг ягона молиявий тизими доирасида молиявий ресурслар ҳаракатчанлиги кучаймоқда.

Бюджетни махсус мақсадли жамғармалари мамлакат умумдавлат молиясининг таркибий қисми, яъни бир бўғини ҳисобланади. Зеро уларнинг фаолияти иқтисодий жиҳатдан асосланган ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида ўзига хос ўринга эга.

Бюджетнинг махсус мақсадли жамғармалари иқтисодиёт олдида турган ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришни таъминлаш, вақтинчалик барқарорсизлик ва инқироз ҳолатларини бартараф этиш каби вазифаларни ҳал қилишда ўз ихтиёрларидаги маблағларнинг самарали сарфланишини йўлга қўйиб келмоқдалар.

Бюджетни махсус мақсадли жамғармалари даражаларини ташкил этиш ва фойдаланиш давлат ҳукумати органлари кафолатларига киради. Уларни шакллантириш ва ишлаш тартиби эса тегишли қонуниятлар асосида амалга оширилади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Давлатни мақсадли жамғармалари даромадларини қуйидаги жадвал орқали кузатишимиз мумкин.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлатни мақсадли жамғармалар даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги салмоғи

№	Кўрсаткичлар	2009 йил (режа)		2010 йил (режа)		2011 йил (режа)	
		млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)
I	Давлат бюджети жами даромадлари	16854681,1	100	21317230,9	100	25994185,0	100
<i>Шу жумладан:</i>							
1	Солиқли даромадлари -жами	10421382,5	61,9	13116396,9	61,5	16178564,0	62,2
2	Давлат мақсадли жамғармалар даромадлари – жами	6433298,6	38,1	8200834,0	38,5	9815621,0	37,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ – 1024 сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сон, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 Қарорларидан олинган.

Жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, 2009-2011 йилларда Давлатни мақсадли жамғармалари даромадлари суммаси ортиб боргани билан фоизи кўрсаткичида ўзгаришлар кузатилмади. Бу албатта, солиқсиз даромадларни ортмаётганлигидан далолат беради. 2011 йилдаги режалаштиришда фоиз кўрсаткичи бир оз камайганлигини кўришимиз мумкин.

Навбатдаги жадвалимизда биз бевосита Давлатни мақсадли жамғармалари даромадларини турли хил жамғармаларда қандай тақсимланётганлигини

кўришимиз мумкин. Лекин, бу албатта умумлаштиришган ҳолатдаги таҳлил ҳисболанади. Шунинг учун қуйидаги жадвалга ҳавола этамиз.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлатни мақсадли жамғармалари даромадларини турли жамғармаларга тақсимланиши

№	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил (режа)	
		млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)
I	Давлат мақсадли жамғармалар даромадлари - жами	6433298,6	100	8200834,0	100	9815621,0	100
1	Давлат мақсадли жамғармаларининг (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашуви жамғарма, Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисобварағи) даромадлари	4963075,5	77,1	6205612,1	75,6	7725383,1	78,7
2	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасининг даромадлари	577335,1	8,9	315487,2	3,9	-	-
3	Молия вазирлиги ҳузуридаги унумдор ерларни мелиоратив яхшилаш жамғармаси даромадлари	130000,0	2,2	150000,0	1,8	184500,0	1,8
4	Ўзбекистон Республикаси ривожлантириш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари	762888,0	11,8	1529734,5	18,7	1905738,0	19,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ – 1024 сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сон, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 Қарорларидан олинган.

Демак, жадвалдан бизга маълумки, ЎЗР Давлатни мақсадли жамғармаларидан Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашуви жамғармаси, Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисобварағи, Ўзбекистон Республикаси ривожлантириш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги унумдор ерларни мелиоратив яхшилаш жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси ҳисобланади. 2009 – 2011 йилларда ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Лекин, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасида даромадлар 2011 йилда режалаштирилмаганлиги кузатилди. Бу албатта Мактаб таълими дастури билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бу дастур 2004-2010 йилларга мўлланган эди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Давлат бюджетининг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали риножлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдан иборатдир. Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ

мақсадларга режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси 2009-2011 йилги Давлат бюджетининг харажатлари таркибида давлатни мақсадли жамғармалари берилган.

5-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси Давлатни мақсадли жамғармалар харажатларининг давлат бюджети харажатларидаги салмоғи

№	Кўрсаткичлар	2009 йил (режа)		2010 йил (режа)		2011 йил (режа)	
		млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)
I	Давлат бюджети жами харажатлари	16937635,0	100	21811651,5	100	26269315,0	100
<i>Шу жумладан:</i>							
1	Давлат бюджети харажатлари	10913026,4	64,5	13732502,5	63,0	16991100,0	64,7
2	Давлат мақсадли жамғармалар харажатлар – жами	6024608,6	35,5	8079149,0	37,0	9278215,0	35,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ – 1024 сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сон, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 Қарорларидан олинган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Давлат бюджетини умумий харажатлари ҳам, давлатни мақсадли жамғармалар харажатлари ҳам юқоридаги жадвалларга монанд яъни, даромадларга нисбатан ортиб бораётганлигини кузатимиз мумкин.

Ушбу жадвалда ҳам суммаларни ортиши яъни ўсиш тенденцияси борлиги, фоиз кўрсаткичларда эса ўсмаганлигини кўришимиз мумкин.

Қуйидаги жадвалда давлатни мақсадли жамғармалари харажатларини турли жамғармалар мисолида ўрганиб чиқишни вазифа қилиб олдик.

Ўзбекистон Республикаси Давлатни мақсадли жамғармалари харажатларини турли жамғармаларга тақсимланиши

№	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил (режа)	
		млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)	млн. сўм	(%)
I	Давлат мақсадли жамғармалар харажатлари – жами	6024608,6	100	8079149,0	100	9278215,0	100
1	Давлат мақсадли жамғармаларининг (Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарма, Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисобварағи) харажатлари	4963075,5	82,4	6205612,1	76,8	7725383,1	83,2
2	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасининг харажатлари	577335,1	9,5	315487,2	3,9	-	-
3	Молия вазирлиги ҳузуридаги унумдор ерларни мелиоратив яхшилаш жамғармасининг харажатлари	130000,0	2,2	150000,0	1,8	184500,0	1,9
4	Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ва тараққиёт жамғармасининг харажатлари	354198,0	5,9	1408050,0	17,4	1368332,3	14,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ – 1024 сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245 сон, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449 Қарорларидан олинган.

Жадвалдаги маълумотларда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасининг харажатларини 2011 йилда режалаштирилмаганлиги кўришимиз мумкин.

Давлатни мақсадли жамғармалар харажатларини кузатадиган бўлсак, 2009 йилда 6024608,6 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 9278215,0 млн.сўмга режалаштирилганлигини кўришимиз мумкин.

Бюджет харажатларини даромаддан ошиб кетиши молиявий ресурсларни фақат қидириб топишда эмас, балки корхоналар, ташкилотлар ва аҳолидан тушган маблағларни қайта гурухлашни талаб этади. Пенсия фондини ташкил этиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг дастлабки белгиларидан бири десак муболаға бўлмайди.

Корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахслар оддида жорий жавобгарликка эгаллиги мажбуриятларнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Демак, юқоридагилардан маълумки, корхона молиявий ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятли томонлари мавжуд экан. Умуман олганда мазкур боб керакли хулосалар чиқарилди. Бундан ташқари бир қатор амалий тавсиялар чиқаришга эга бўлди. Ишнинг кейинги босқичига ўтиш мақсадга мувофиқдир.

2.3 Давлат молиявий ресурсларида давлат кредитларини роли таҳлили

Давлат заёмлари облигацияси сохта капитал формаларини бир туридир, чунки ишлаб чиқаришга ҳеч қандай алоқаси йўқ, қиймати йўқ, лекин ўз эгасига даромад келтиради. Шунинг учун сохтанинг сохтасидир.

Давлат томонидан олинган қарзлар аллақачон бирон мақсадга сарф этилган, облигация эса узоқ вақт муомалада юради ва эгасига даромад келтиради. Ривожланган мамлакатларда облигациянинг турлари кўпдир. Масалан, АҚШ-200 ҳил; Англияда-50 ҳил; Италияда-40 ҳилдан ортиқдир.

Ривожланган давлат ҳаражатларини коплашга фақатгина давлат заёмларидан фойдаланиб қолмасдан, балки вақтинча бўш ётган аҳолининг омонат кассадаги жамғармасидан ҳам фойдаланади. Капитализм мамлакатларида аҳолининг жамғармаси мажбурий ҳарактерга эгадир.

Муамолада юриш муддатига кўра заёмлар қуйидагиларга бўлинади:

- а) жорий заёмлар - бир неча ҳафта, йил, 3 йилгача;
- б) қиска, муддатли заёмлар - 1 йил, 2 йил, 3 йилгача;
- в) ўрта муддатли заёмлар - 3 йилги, 5, 10 йилгача;
- г) узоқ муддатли займлар - 10 йил ва юқори.

Ҳозирги даврда узоқ муддатли, яъни муддақиз заёмларга талаб кам, шунинг учун баъзи мамлакатларда кам чиқариляпти.

Ҳозирги замон капитализмнинг сиёсий ва молиявий барқарорлиги сабабли бу заёмлар ичида қиска муддатли заёмлар миқдорини кўпайишига имкон яратилляпти.

Заём тарқатишнинг йуллари ривожланган мамлакатлар тарихида қуйидагича бўлган:

1. Хусусий ривожланган корхоналар ёрдамида;
2. Банк бирлашмалари орқали;
3. Ёзилиш (обуна) йули билан;
4. Эмиссион банк орқали.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эмиссия қилинадиган Ўзбекистон давлат қимматли коғозлари 2010 йил 1 июль ҳолатига Давлат қиска муддатли облигациялари (ДҚМО) ва муомала муддати беш йилгача бўлган Давлат ўрта муддатли газна мажбуриятларидан (ДУГМ) иборат. 2010 йил 1 июль ҳолатига ҳаммаси Давлат ўрта муддатли газна мажбуриятларидан (ДУГМ) иборат бўлган давлат қимматли коғозларининг 33 та наشري муомалада бор. Қиска муддатли коғозлар эмиссиясининг вақтинча тухтатиб турилиши қарзларнинг муддатларини узайтириш стратегияси амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ бўлиб, айни вақтда бюджетга тушаётган юқини камайитириш мақсадида уланаётган даромадлар камайитирилди. Чунончи, таҳлил қилинаётган давр охирига келиб, ДУГМ иаклидаги 24 ойлик коғозлар улуши умумий портфелда 95%дан ортиқроқни ташкил этди.

Жорий йилнинг I ярмида Молия вазирлиги томонидан жами 11,9 млрд. сумлик ДУГМ эмиссияси буйича 1 та аукцион утказилди. ДУГМлар бирламчи ва иккиламчи бозорларда батамом жойлаштирилди. Муомалада жами 53,010 млрд.

сумлик коғозларнинг борлиги Молия вазирлиги 2010 йилнинг утган даврида 1529 млн. сум миқдоридан купон даромадлар тулашига сабаб бўлди.

Ўтадиган қарздорлик динамикасини таҳлил қилиш йил бошидан бери давлат қимматли коғозлари бўйича ўтадиган қарздорлик узғаришсиз қолганлигини курсатдики, бу ҳам давлат қимматли коғозлари бўйича арзларни узишга йуналтириладиган бюджетдан маблағ ажратиш амалга оширилаётганлиги билан юғлиқ. Агар 2009 йилнинг I ярмида қарзларни узишга йуналтирилган бюджет маблағларининг ҳажми 54 млрд. сумни ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг I ярмида 1,53 млрд. сумни ташкил этди.

1-диграмма




Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. 2010 йил апрел-июн ойлари. // Журнал.


Бозорда ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи дилерлар иш олиб бормокда. ДКК бозорида бирламчи дилер ифатида республиканинг 7 та тижорат банки фаолият олиб бораётган бўлиб, шулардан "Асака" ДАКБ, Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва "Кредит-Стандарт" АТБ бозорда фаол иштирокчилар бўлиб қолмокда. Жорий йилнинг I ярмида давлат қимматли коғозлари бозоридаги дилерлар таркибида узғаришлар юз бермади.

Давлат қимматли қоғозлари бозори

Аукционлар ўтказиш динамикаси (бир)




Қимматли қоғозлар эмиссияси ҳажми (млрд. сўм.)




Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. 2010 йил апрел-июн ойлари. // Журнал.

Молия вазирлиги муддатлари 2 йилдан 3 йилгача булган ДУҒМларни жойлаштириш буйича аукционлар тказиш х.исобига қарз муддатларини ошириш, даромадлиликни мувозанатли пасайтириш, шунингдек ирламчи ва иккиламчи бозорларда операцияларни фаоллаштириш тадбирларини амалга ошириш иёсатини давом эттиришни режалаштирмоқда.

Давлат қимматли қоғозларини сўндириш учун бюджетдан ажратилган маблағлар (млрд. сўм.)



Давлат қимматли қоғозлари даромадлилигининг динамикаси (%)



Манба: Молия вазирлиги

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки давлат қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясининг молиявий ҳолати бу солиқсиз даромадлар таркибини тўғри ташкил этишдан далолат беради. Шундай экан кейинги параграфда биз ДМҚ махсус ҳисоб рақами даромадларини кўриб ўтаемиз.

III боб. Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида давлат молиявий ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш йўллари

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида муаммо булиб турган бир пайтда молиявий-иқтисодий инкироз шароитида мамлакатнинг бюджет-солик сиёсатини самарали ташкил этиш буйича бир катор чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Жамиятда иқтисодийни ривожлантириш пул маблағларини талаб қилади. Пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва фойдаланиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар молия дейилади.

Турли мулкчилик шаклларидаги тадбиркорлик тадбиркорларнинг, тадбиркор шахсларнинг молияси молиявий тизимнинг бир қисми бўлиб ялпи ички маҳсулотни ташкил бўлиши, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Бу тадбиркорларнинг молияси моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлиб, улар бирламчи ишлаб чиқариш бўғини, ялпи ижтимоий маҳсулотни, яъни миллий бойликни ва даромадни шакллантирувчи бўғин молияси ҳисобланиб, мана шу бўғинда ўз вазифаларни бажаради ва ўз функциялари билан амал қилади. Шу сабабли бу бўғинда тадбиркорлик, тадбиркор молияси этакчи мавқейга эгадир. Молиянинг ривожланиши таҳлили шуни кўрсатадики унинг мазмунидаги белгилар ижтимоий қайта ишлаб чиқаришнинг ҳархил шароитида бир хилдир.

Молиянинг мазмунидагибир хиллик объекти сабабларга ва молиянинг ўз функцияларида сақланиб туриши шартларига боғлиқдир. Бу шартлар орасида энг асосийси: жамиятда Товар пул муносабатларининг ривожланиши ва бу муносабатларнинг субъекти сифатида давлатнинг мавжудлигидир. Бунда пул, кредит, меҳнат ҳақи ва бошқа қиймат категорияларида фарқли ўлароқ молия категорияси давлат ва унинг функциялари билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо, муносабатларнинг умумий белгиларидан қатъий назар молиянинг турлари ўртасида маълум даражада фарқлар мавжуддир.

Шу сабабли молия тизими ҳар хил соҳаларидаги молиявий муносабатларнинг йиғиндисидан ташкил топиб, уларнинг ҳар бири пул маблағлари жамғармаларнинг жамиятдаги қайта ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва ҳар хил ролига қараб белгиланади ва бир бутун молия тизимида шаклланади.

Молия тизими қуйидаги молиявий муносабатлар шакллари ўз ичига олади:

-умумдавлат молияси (давлат бюджети; бюджетдан ташқари жамғармалар; давлат кредити ва суғурта жамғармалари)

-турли мулкчилик шаклларидаги тадбиркор корхоналар ва тадбиркор тадбиркорлар ва тадбиркорлар молияси.

Демак молия тизими деганда, ялпи ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида пайдо бўладиган ва давлат томонидан умуммамлакат вазифаларини пул маблағларининг ҳаракатини мажмуаси тушинилади.

Бизнинг республикамызда молия тизими уч бўғиндан иборат:

- давлат бюджети;
- маҳаллий бюджет;

– турли мулкчилик шаклларидаги тадбиркор молияси мамлакатнинг бир бутун молияси тизимининг бир қисми ва асоси бўлиб жамиятда жами миллий даромаднинг яратиш ва уни тақсимлаш жараёнига хизмат қилади.

Мамлакатимизда марказлашган пул манлағларининг молиявий ресурслар билан таъминлаш тадбиркорларнинг молиявий аҳволига боғлиқ бўлади. Бунда тадбиркорлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида биргина ўзларининг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиб қолмай, агар керак бўлиб қолса бу жараёнга бюджет, банк кредити ва суғурта маблағларини ҳам жалб қиладилар. Лекин, ҳозирги республикамизнинг бозор шароитида тадбиркорларга бюджетдан маблағ ажратиш минимум даражасигача камайтирилиб деярли йўқ бўлди даражада.

Республикамизнинг хусусийлаштириш шароитида айрим тармоқларида давлат мулки ҳали ҳам юқори салмоқни ташкил этади. Бунга фан ва техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар, ҳарбий тадбиркорлар ва шунга ўхшаш бошқа тадбиркорлар давлат секторида қолган. Давлат корхоналари билан марказий давлат бюджети ўртасида ўзаро муносабатлар ҳам бевосита (яъни даромадларни ҳаммасини давлатга ўтказиш ва сўнгра давлат бюджетидан маблағ олишлар) ҳам тижорий (яъни корхона олинган даромадларни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўладилар) асосда шаклланади.

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида синфий ҳукмрон куч сифатида юзагачиқувчи давлатнинг пайдо бўлиши ва уни фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда солиқ категорияси давлатни иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқийлик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси бут ор маънода давлат иқтиёрига бошқалардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини нифодалайди. Маълумки солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиуавий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши бу обективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи индивидларнинг ҳаммаси ҳам реал секторда (ишлаб чиқариш соҳасида) фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки шуғулланиш иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, булар солиқларни обектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медитсина, фан, маориф, маданият ва б.) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришни табиий зарурлиги солиқларни обектив амал қилишини зарур қилоиб қуяди, ваҳолангки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалгам ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг обектив зарурлигини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: биринчидан, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, иккинчидан, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Молиявий режалар молия тизимининг барча звеноларини ўз ичига олади ва шу билан биргаликда молиявий режанинг шакли, унинг кўрсаткичлари таркиби молиявий тизимининг мос звеносидаги мазмунини акс эттиради. Шундай қилиб,

тижорат фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар, даромадлар ва харажатлар балансини тузадилар; нотижорат фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар эса-сметаларни тузадилар; жамоа хўжаликлар, ширкатлар, умумжамоа бирлашмалар ва суғурта компаниялари молиявий режалар; давлат ҳукумати органлари эса-турли хил даражадаги бюджетларни тузадилар.

Молиявий режалаштиришнинг конкрет масалалари молиявий сиёсат орқали аниқланади. Бу аниқлаш орқали режадаги топшириқларни бажариш учун керакли бўлган пул маблағларининг ҳажми ва уларнинг манбалари, даромадларнинг ўсиш ҳажми резервларининг намоён бўлиши, харажатлардаги иқтисодни; марказлашган ва марказлашмаган фондлер ўртасида маблағларни тақсимлашда самарали ва энг қулай мутаносибликни ўрнатишни ва бошқаларни кўриш мумкин.

Маъмурий бошқарув тизими шароитида пул даромадларининг ва йиғимларининг тақсимланиши ва туркимланиши, уларнинг марказлашган ва марказлашмаган фондларда пул маблағларининг гуруҳланиши директив режалаштириш орқали аниқланар эди. Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш бошқарув функтсияси сифатида, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг барча томонларининг умумий шаклини қабул қила олмайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда товарлар ва хизматлар реализатсиясида ҳукмрон ва аниқловчи усул бўлиб- пул, баҳо, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонунини ўз ичига олган бозор механизми билан ташкил қилади.

Бозор механизмининг бундай режалаштириш элементлари иштирокида ишлаб чиқариш ва алмашув натижаларини аниқловчи прогноз услубиёти амал қилишини аниқлаб беради.

Бозор иқтисодиёти ўзининг бош омиллари билан амал қилади, яъни товарлар, ишчи кучи, ссуда капиталлари баҳоси бевосита товарлар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф нисбатига боғлиқдир. Бозорни ўрганиш, уни ташкил қилиш ва режалаштиришнинг элементларини бошқариш маркетинг мазмунини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ислохатнинг амал қилиши бошқарувнинг муҳим ва бош функтсияси сифатида режалаштириш ўрин эгаллайди. Молиявий режалаштириш бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда янги ўзига ҳос белги ва томонларига эга бўлади.

Бюджет томонидан молиялаштиришда (халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам бу ҳусусиятга эгадир.

Уларнинг сметаларида директивлик характери камайиб, узоқ вақт давомида иқтисодий ва ижтимоий нормативларга асосланган ҳолда кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини тоғрилигини тасдиқловчи белгилгиларга эътибор қарақтилмоқда. Смета бюджет томонидан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларга қўшинча даромад олиш мақсадида хўжалик ҳисоб-китобларидан фойдаланиш маслаҳат берилмоқда. Бюджетдан ташқаридаги маблағ сифатида амал қилувчи бу ресурслар жамоанинг ишлаб чиқариш ижтимоий фаолиятини кенгайтиришни таъминлайди.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида қисқартирилган шаклда-молиявий режадан фойдаланилади. Молиявий режа даромад ва ҳаражат қисмларида (майда ва ўрта корхоналарда ҳамда бошқа шаклларда) бу даромадлар ва ҳаражатлар балансидир.

Хулоса

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда, давлатнинг ҳар йили ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган сиёсатининг натижавийлиги авваламбор давлат молиявий ресурсларнинг бошқариш ҳолатига ва уни ижро этиш самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Давлат молиявий ресурслар орқали мамлакатдаги давлат аҳамиятига молик ва жамият ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий сохаларнинг тўлиқ молиявий таъминоти амалга оширилади. Малакавий битирув ишини ёзиш жараёнида давлат молиявий ресурсларни бошқаришнинг зарурлиги, вазифалари ва ҳозирги давр муаммоларини амалий ечими, услубий ва илмий ёндошувлар асосида тадқиқ этиш ва замон талаби ҳамда жаҳон андозалари асосида ушбу жараёни комплекс ислоҳ қилиш йўналишларини ёритишга қаратилган қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш ҳамда тегишли тавсияларни баён этиш имконини берди:

- объектив иқтисодий қонунларнинг мавжудлиги ва уларнинг доимо ҳаракатда бўлиши;
- муайян тарихий шароитларни ҳисобга олиш тадбирлари;
- молия соҳасидаги маҳаллий ва хориж тажрибаларини уйғунликда олиб боришни таъминлаш;
- молия механизмининг қурилишини мақсадга мувофиқ таъминлаш;
- молия тизимининг барча бўғинларида даромад ва харажатларни мувозанатлаштириш;
- бюджетдаги даромадларнинг харажатлардан юқорилигини таъминлаш мақсадида молиявий резервларни ташкил қилиш;
- асосий молия ресурсларини муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириш мақсадида концентрациялаш;
- салмоқли молия ресурсларини давлат ихтиёрида шакллантириш;
- пул-кредит сиёсати билан молия сиёсатини мувофиқлаштириш, яъни бири иккинчисига зиддиятли бўлмасдан, бир-бирига муҳим шарт-шароит яратиши зарур;
- банк тизими капиталлашувини янада ошириш;
- иқтисодиётни реал секторини яъни ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш ҳамда мамлакат ЯИМ ҳажмини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги шароитдаги жаҳон молиявий инкирози шароитида мазкур ишда берилган хулосалар мамлакатимиз молиявий ислохотларини янада жадаллаштиришда ҳамда мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2001. - 39 б.
2. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. № 913-сон., 02.09.1993.
3. «Бюджети тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 14 декабр 2000 й.
4. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 26 август 2004й.
5. “Бюджети тизими тўғрисида”ги ва “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни: 12 декабр 2007й.
6. “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябр 414-сон Қарори (ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 16.06.07. 148-сон қарори билан тасдиқланган янги таҳрири).
7. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори. ПҚ-594-сон, 28 феврал 2007 й.
8. Каримов И.А., “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2005, 525 бет.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 й.
10. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 й.
11. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2008 й.
12. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – 365 б.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56. б.
14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // – Т.: Ўзбекистон. 2010. – 80 б.
15. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – 48 б.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
17. Аброев У. Таъминотчи, бюджет ташкилоти ва ғазначилик: давлат харидорларини амалга ошириш жараёнидаги ўзаро муносабат. / Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008. №10. – Б. 29-31.
18. Авчиев М. Иқтисодиётни модернизациялашда инвестицияларнинг ўрни. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 7. – Б. 21-23.

19. Аҳадов А. Кучли қонунчилик – барқарор иқтисодиёт пойдевори. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 1. – Б. 12-20.
20. Бурханов А. Саноат корхоналарида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари. / Бозор, пул ва кредит. 2008. №6. – Б. 33-36.
21. Бурханов У. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 160 б.
22. Вахобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений.-Т.: Молия, 2002. -267 с.
23. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. 448 – бет.
24. Вахобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. – Т.: Иқтисод-молия. 2008. 316-бет.
25. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: ЖИДУ. 2009. 56-бет.
26. Қосимова Г. Ҳазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
27. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг Ҳазначилик тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, ТМИ-2008.
28. Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: "IQTISOD-MOLIYA". 2008.
29. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011 й. – 462 б.
30. Матазимов О. Даромаднинг икки томонлама солиққа тортилиши муаммолари. / Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008. №10. – Б.10-15.
31. Ходжаев Р., Эгамбердиев А., Исаев О. Государственный бюджет. Учебное пособие.- Т.: “IQTISOD- MOLIYA”, 2008 г. 112 стр.
32. Ҳайдаров Н. Давлат молиясини бошқариш. Т. “Академия”, 2005.
33. Ҳайдаров Ш. Реал сектор ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш. 2009. № 02. 48-50 бет.
34. Алешин В.А., А.И. Зотова. Финансы. - Ростов н/ Д: Феникс, 2009 г. – 346 стр
35. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС , 2011 г. – 640 стр.
36. Боди З., Мертон Р. Финансы. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2009 г. – 592 стр.
37. Бровкина Н.Д. Контроль и ревизия. - М.: ИНФРА – М, 2010 г. – 346 стр.
38. Василенко Г.Н. Правовые основы финансового контроля в России и Европейском Союзе: - М.: ЮНИТИ – ДАНА, - 2010 г. – 87 стр.
39. Васильева М.В., Малий Н.А. Финансовая политика. – Ростова Н/Д Феникс. 2008. – 220 с.
40. Васильева М.В., Малий Н.А. Финансовая политика. – Ростова Н/Д Феникс. 2008. – 220 с.
41. Галицкая С.В. Финансы. – М.: Эксмо, 2007. – 336 с.
42. Галицкая С.В. Финансы. – М.: Эксмо, 2007. – 336 с.
43. Годин А.М, Подпорина И.В. Бюджет и бюджетная система Российской Федерации.-М.: Дашков и Ко,2001.-386с.
44. Дробозина ЛА. "Финансы".-М.: "Банки и биржи",1999.-540 с.
45. Иванова В.В., Ковалова В.В. Финансы. – М.: ТК Велби, 2008. – 272 с.

46. Иванова В.В., Ковалова В.В. Финансы. – М.: ТК Велби, 2008. – 272 с.
47. Иванюженко А.Б. Государственный и муниципальный финансовый контроль.(Книга для подконтрольных и контролеров). – СПб.: Нестро – История, 2010 г.- 398 стр.
48. Кадомцева С.В. Государственные финансы. – М.: ИНФРА – М, 2010 г.- 352 стр.
49. Короткова Э.М. Антикризисное управление. – М.: ИНФРА – М, 2010 г. – 260 стр.
50. Поляка Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008. – 703 с.
51. Пчелинцев О.С., Минченко М.М. Региональнўе финансовые ресурсы в системе межбюджетных отношениях.//Финансы, 1999. №10. с 18-20 с.
52. Романовского М.В. Финансы. – М.: Изд. “Высшее образование ”, 2010 г.
53. <http://www.referat.ru> - Рефератлар, иншолар, курс ишлари, иқтисод ва бошқалар.
54. <http://www.uz> - Ўзбекистон Республикаси ресурслари каталоги.
55. <http://www.cer.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар маркази - Ўзбекистон
56. <http://cere.tfi.uz> - Иқтисодий тадқиқотлар ва таълим маркази.
57. <http://www.mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.
58. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси